

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА КУТПИТДИНОВНА

**НОСТЕРОИД ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР ТАЪСИРИ
НАТИЖАСИДА ЧАҚИРИЛГАН ГАСТРОПАТИЯЛАРНИ
ДАВОЛАШДА ЦИТОПРОТЕКТИВ ТЕРАПИЯ ТУРЛИ
СХЕМАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рахматуллаева Гулноза Кутпитдиновна

Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар таъсири
натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда
цитопротектив терапия турли схемаларининг
самарадорлигини баҳолаш 3

Рахматуллаева Гулноза Кутпитдиновна

Оценка эффективности различных схем цитопротективной
терапии при лечении гастропатии, вызванной нестероидными
противовоспалительными препаратами 25

Rakhmatullaeva Gulnoza Kutpitdinovna

Assessing the effectiveness of various cytoprotective
therapy regimens in the treatment of gastropathy caused
by non-steroidal anti-inflammatory drugs 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РАХМАТУЛЛАЕВА ГУЛНОЗА КУТПИТДИНОВНА

**НОСТЕРОИД ЯЛЛИҒЛАНИШГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР ТАЪСИРИ
НАТИЖАСИДА ЧАҚИРИЛГАН ГАСТРОПАТИЯЛАРНИ
ДАВОЛАШДА ЦИТОПРОТЕКТИВ ТЕРАПИЯ ТУРЛИ
СХЕМАЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib950 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамраев Аброр Асрорович

тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Каримов Мирвосит Мирвосикович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Файзиева Зиёда Тураевна

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г.Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А.Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В.Якубов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ревматологик касалликлар глобал тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири саналади. «...Ҳар куни 30 млн дан ортиқ аҳоли, айниқса, ёши катта ва ёши улуг инсонлар, ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ)ни оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши ва антиагрегант восита сифатида қабул қиладилар. Бугунги кунда НЯҚВ турли касалликларни даволашда кенг қўлланиладиган энг кўп тарқалган дори воситалари қаторига киради...»¹. Бироқ, турли патологик ҳолатларда НЯҚВнинг шифокор тавсиясисиз кенг қўлланилиши турли ножўя таъсирларнинг ривожланиши билан намоён бўлади. АҚШ, Европа ва Канада статистик маълумотларига кўра «...65 ва ундан юқори ёшдагилар остеоартроз, миалгия, невралгия, умуртқа касалликларида, юрак-қон томир патологияларида, иситмалашда, бош оғриғи ва тиш оғриқларида НЯҚВ ва аспиридан кенг қўламда фойдаланилади. 40 ёшгача 25,4% аҳоли, 66,5% 80 ва ундан юқори ёшдагилар НЯҚВни қабул қиладилар. НЯҚВларни қабул қиладиган беморларда меъда-ичакдан қон кетиш хавфи 3–5 марта, ярагинг ёрилиши 6 марта, меъда-ичак тизими зарарланиши билан боғлиқ асоратлар туфайли ўлим хавфи 8 марта ошади. Маслаҳат поликлиникаларидаги амалиётларда меъда-ичакдан қон кетишнинг асосий сабаби гастродуоденал соҳанинг эрозив-ярали зарарланишлари эканлиги кўрсатилган ва уларнинг яримидан кўпи аспирин, НЯҚВ ва билвосита антикоагулянтлар қабул қилиш сабабли келиб чиққан. НЯҚВни қабул қилиш билан чақирилган гастропатия энг долзарб муаммолардан бири сифатида тан олинган...»². Ҳозирги вақтда НЯҚВ ни қабул қилган беморларда юзага келувчи меъда-ичак тизимининг юқори бўлимлари яралари ва эрозияларини эрта ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш масаласининг муҳимлиги ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди.

Жаҳонда ностероид яллиғланишга қарши препаратлар таъсири натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада каламушларда индометацин билан чақирилган гастропатияда протон помпа ингибиторлари (ППИ), цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларининг меъда шиллиқ тўсиғи ҳолатига таъсирини ва индометацин билан чақирилган гастропатияда меъда шиллиқ тўқимасида NO-ҳосил бўлиш тизими кўрсаткичларига айрим ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари таъсирини асослаш алоҳида аҳамият касб этади. Тажрибавий гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг бирга қўлланишининг липидлар пероксидацияси ҳолатига таъсир

¹ Ефимов А.Л., Сигуа Б.В., Филоретова Л.П. Острые язвы и эрозии желудочно-кишечного тракта, индуцированные нестероидными противовоспалительными препаратами: этиология, патогенез, лечебная тактика // Вестник Российской военно-медицинской академии. – 2017. – №1 (57). – С. 198–204; Conaghan P.G. A turbulent decade for NSAIDs: update on current concepts of classification, epidemiology, comparative efficacy, and toxicity. *Rheumatology International*. 2012;32(6):1491-1502. doi:10.1007/s00296-011-2263-6.

² Балукова Е.В. НПВП-индуцированная гастропатия: от понимания механизмов развития к разработке стратегии профилактики и лечения // Российский медицинский журнал. – 2017. – №10 – С. 697–702.

самарасини таҳлил қилиш ҳамда гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари қўлланилганда монооксигеназ тизим (МОТ) ферментлари ҳолатини қиёслаш муҳим роль ўйнайди. Меъданинг шиллик пардаси регенерацияси жараёнларида индометацин билан чақирилган гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари таъсири аҳамиятини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли яллиғланиш касалликларини камайтиришга қаратилган қатор масалалар ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ошқозон ичак тизими касалликлари, гастропатияни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш орқали касаллик асоратларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда НЯҚВни хавфсиз қўллаш муаммоси, уларнинг меъда-ичакка ножўя таъсири олдини олиш ва даволашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда (Bhala N. et al., 2013; Angel Lanas et al., 2015; Garg A. et al., 2016; Голованова Е.В., 2017). Замонавий тасаввурларга кўра ЦОГ 1ни ингибирлаш, томирларни

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармони.

кенгайтирувчи простагландинлар синтезининг пасайиши, NO ҳосил бўлиши, микроциркуляция тизими, липидларнинг перекисли оксидланиши, P-450 цитохроми, шиллиқ тўсиқ синтези, бошқарув жараёнлари ва бошқаларнинг бузилиши каби НЯҚВ гастропатияларининг асосий патогенетик механизмлари маълум (Takeuchi K., 2012; Балукова Е.В., 2017). НЯҚВ гастропатиялари патогенезидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунгача касалликнинг олдини олиш ва уни даволаш учун иккита синф препаратлари: антисекретор ва цитопротектив воситалар қўлланилади. Омепразол, лансопрозол, эзомепразол каби ППИ гастропатияларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари орасида етакчи ўринни эгаллаб, қўллаш учун қулай, самарали ва нисбатан хавфсиздир (Sugano K. et al., 2014; Scheiman J.M. et al., 2015, Fujimori S. et al., 2016, Vaduganathan M. et al., 2016; Singh D.P., 2017). Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили кўрсатишича, шу кунга қадар қайси ППИ гастропатияларни даволашда энг самарали ҳисобланади, улар цитопротекция механизмларига бир хил таъсир этадими, деган саволлар очиклигича қолмоқда. Гастропатияларни даволашда ППИ билан бир қаторда мизопростол, де-нол ва сукральфат каби цитопротекторлардан фойдаланилади (Yeomans N. et al., 2001; Schellack N., 2012). E2 простагландиннинг синтетик аналоги бўлмиш мизопростол махсус НЯҚВ гастропатияларининг олдини олиш ва даволаш учун яратилган, бироқ амалиёт ҳамда адабиётларда келтирилган маълумотлар кўрсатишича, самаралилиги жиҳатдан у ППИга нисбатан анча паст, шу билан бирга унинг қўлланилиш доирасини чегараловчи қатор салбий сифатлардан ҳам холи эмас (Mo C. et al., 2015).

Кейинги йилларда адабиётларда Пепсан-Р дори воситасининг қўлланилиши муҳокама қилинмоқда, унинг таъсир механизми иккита асосий модда – гвайзулен ва диметиконнинг таъсири билан боғлиқ (Минушкин О., 2015). Пепсан-Р бевосита цитопротектив таъсирга эга эканлиги маълум бўлиб, бу унинг ўраб олиш ва шиллиқ парда юзасида ҳимоя қобиғини ҳосил қилиш хусусияти билан ифодаланади. Замонавий тиббиёт олимларининг таъкидлашларича, гастродуоденал жароҳатларни даволаш ва уларнинг олдини олишда меъда секрециясини кучли пасайтирувчи воситаларни узок муддатли тайинлашга мутаносиб ва табақалаштирилган ёндашув зарур (Sostek M.V. et al., 2011; Iijima K. et al., 2015; Маев И.В. ва ҳаммуал., 2016).

Ўзбекистонда ревматоид артрит яллиғланишига қарши ностероид терапияда гастро- ва нефропатиянинг патогенетик механизмлари ва аниқланган ўзгаришларнинг коррекция йўллари ишлаб чиқилган (Усманова Ш.Э., 2019), ностероид яллиғланишга қарши препаратлар таъсири натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлиги баҳоланган. НЯҚВ гастропатияларини даволашга тизим даражасида номақбул таъсирга эга бўлмаган комплекс таъсир қилувчи дори воситаларини қўллаш билан амалий тиббиёт эҳтиёжларига жавоб берадиган янгича ёндашувларни тубдан ишлаб чиқиш талаб этилади, бу эса кейинги тадқиқотлар предметиға айланиши керак.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-А-2018-2 «Ревматологик касалликларда гастропатияни даволаш ва профилактикасида ностероид яллиғланишга қарши воситалар» мавзуси (2006–2016 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ностероид яллиғланишга қарши препаратларни қабул қилиш билан чақирилган гастропатияларда меъданинг шиллик пардасидаги агрессив-протектив омилларнинг ўзаро алоқасига айрим протон помпалари ингибиторлари, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари таъсирини қиёсий баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каламушларда индометацин билан чақирилган гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларининг меъда шиллик тўсиғи ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолаш;

индометацин билан чақирилган гастропатияда меъда шиллик тўқимасида NO-ҳосил бўлиш тизими кўрсаткичларига айрим ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари таъсирини баҳолаш;

тажрибавий гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг биргаликда қўлланишининг липидлар пероксидацияси (ЛПО) ҳолатига таъсир самарасини таҳлил қилиш;

гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари қўлланилганда МОТ ферментлари ҳолатини қиёслаш;

индометацин билан чақирилган гастропатияда меъданинг шиллик пардаси регенерация жараёнларига ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациялари таъсири аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий лабораториясида, индометацинли гастропатия моделида аралаш популяцияли, балоғат ёшига етган соғлом каламушлар олинди. Тажрибалар тана вазни 150–200 грамм бўлган 168 та оқ каламушларда олиб борилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба тадқиқотларида эрозив-ярали жароҳатларнинг умумий майдони, шиллик парда суспензиясида эримайдиган гликопротеин (ЭГП) фракциялари, оксипролин фракциялари миқдори, меъда шиллик пардасидаги цитозоль-микросомал фракцияда NO-ҳосил бўлишининг асосий кўрсаткичлари, ЛПО ва МОТ ферментларининг фаоллиги, шунингдек, меъданинг шиллик пардаси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда биокимёвий, спектрофотометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

НЯҚВ гастропатиясида гастродуоденал соҳа шиллик пардаси жароҳатлари ривожланишининг патогенетик механизмларига омепразол ва рабепразол, де-нол, сукральфат ва пепсан-Рнинг таъсири қиёсий исботланган;

ППИдан омепразолнинг шиллик тўсиқ синтезига салбий таъсири, NO-хосил бўлиш жараёнларининг пасайиши, ЛПО тезлашиши ва МОТ ферментлари фаоллиги сусайиши, омепразолдан фарқли равишда рабепразолнинг мазкур механизмларга ижобий таъсири исботланган;

янги цитопротектор пепсан-Рнинг гастропатия ривожланишининг патогенетик механизмларига самарали таъсири, пепсан-Р меъданинг шиллик пардасидаги ЛПО жараёнлари, МОТ ферментлари фаоллигига таъсири бўйича де-нол ва сукральфат каби машҳур цитопротекторлардан анча устунликка эга эканлиги исботланган;

омепразол де-нол ва сукральфат билан бирга қўлланганда гастропатиянинг патогенетик механизмларига омепразолнинг фармакодинамик таъсири ўзгармаганлиги, рабепразол цитопротекторлар билан қўшилганда унинг де-нол ва пепсан-Р билан бирга қўлланилиши мазкур дори воситаларининг энг яхши комбинацияси эканлиги, улар бирга қўлланилганда дори воситаларининг фармакодинамик ўзаро таъсири аддитив синергизм билан намоён бўлиши исботланган;

гастропатиянинг айрим механизмларига таъсири бўйича рабепразолнинг пепсан-Р билан комбинацияси рабепразолнинг де-нол билан бирга қўлланилишига нисбатан ижобий натижага эга бўлиб, ППИ сукральфат билан бирга қўлланилганда эса ППИнинг фармакодинамик таъсири ўзгармаганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

НЯҚВ гастропатиясида айрим ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларининг гастродуоденал соҳа шиллик пардаси жароҳатларининг патогенетик механизмларига таъсирининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги амалий билимлар баҳоланган;

НЯҚВ гастропатиясида рабепразол, де-нол ва пепсан-Рни қўллаш зарур эканлиги асосланган;

тадқиқот жараёнида НЯҚВ гастропатиясини даволашнинг айрим схемаларини қўллаш кутилган натижани бермаслиги (омепразол цитопротекция механизмларига салбий таъсир кўрсатади, сукральфат эса умуман таъсир қилмайди) исботланган;

ППИнинг цитопротекторлар билан биргаликда қўлланилиши натижасида гастропатияни даволашда рабепразолнинг де-нол ва пепсан-Р билан комбинирланган схемаларини энг самарали даволаш усули сифатида тавсия этиш ишлаб чиқилган;

олинган натижаларнинг жорий этилиши асоратлар ривожланишининг олдини олиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида НЯҚВ гастропатиясини даволашнинг мақбул схемасидан фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада тажриба ҳайвонлари ва беморлар танланганлиги, тадқиқотларда замонавий, бири иккинчисини тўлдирувчи биокимёвий, спектрофотометрик ва статистик усулларнинг қўлланилганлиги, ностероид

яллиғланишга қарши препаратлар таъсири натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти тажрибавий гастропатияда ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларининг гастродуоденал соҳа шиллиқ пардаси жароҳатининг патогенетик механизмларига қиёсий таъсирини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда НЯҚВ гастропатиясини даволаш ҳамда пепсан-Рнинг ЛПО жараёнлари, меъда шиллиқ пардасидаги МОТ ферментларининг фаоллигига таъсири бўйича де-нол ва сукральфат каби машҳур цитопротекторлардан сезиларли устунлигини баҳолаш механизмлари, шунингдек, НЯҚВ гастропатиясини даволашнинг мақбул алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ППИ ва цитопротекторлар хужайра ҳимояси жараёнларига турлича таъсир кўрсатганлиги, омепразол, де-нол ва сукральфатнинг қўлланилиши НЯҚВ гастропатияси ривожланишининг асосий патогенетик механизмларига сезиларли таъсир кўрсатмаганлиги, айрим ҳолларда эса омепразолнинг қабул қилиниши шиллиқ тўсиқ синтезини пасайтирганлиги ва МОТ фаоллигини сусайтирганлиги, шиллиқ тўсиқ ҳолати, меъданинг шиллиқ тўқимасидаги МОТ фаолияти, NO-ҳосил бўлиши, ЛПО ва регенератор жараёнларга ижобий таъсир этувчи мақбул даволаш схемаси ППИ ва цитопротекторлар, хусусан, рабепразол, де-нол ва пепсан-Рнинг биргаликда қўлланилиши эканлиги исботланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар таъсири натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар қабул қилиш натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлиги» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 сентябрдаги 8н-р/343-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома гастропатия билан касалланган беморларда касалликни ташхислаш, даволаш ва унинг олдини олишга қаратилган анъанавий экспериментал ташхислаш моделини яратиш ва касалликни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Ностероид яллиғланишга қарши препаратлар таъсири натижасида чақирилган гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази ва Тошкент фармацевтика институтининг фундаментал ва ишлаб чиқариш амалиётига

тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 июлдаги 8н-з/133-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши гастропатияларни даволашда цитопротектив терапия турли схемаларининг беморлар, шунингдек, тажриба ҳайвонларида НЯҚВ моделини яратиш ва ППИ билан цитопротектив терапия самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ностероид яллиғланишга қарши препаратларни қабул қилиш билан чақирилган гастропатияни даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида дунёда НЯҚВ гастропатияси муаммосининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган, шиллик тўсиқ тизими ва меъданинг регенератор функцияси ҳолатига алоҳида урғу берган ҳолда хавф омиллари ва гастропатия патогенезининг асосий бўғинларини ўрганиш натижалари, ППИ, цитопротекторлар, H2-блокаторлар гуруҳига кирувчи турли препаратларни қўллаш билан НЯҚВ гастропатиясининг олдини олиш ва уни даволаш бўйича кенг кўламли тадқиқот натижалари шарҳи таҳлил қилинган, мавжуд ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларининг афзаллиги ва камчиликлари, шунингдек, мазкур муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштирилиши лозим бўлган жиҳатлари ёритилган.

Диссертациянинг «**Ностероид яллиғланишга қарши препаратларни қабул қилиш билан чақирилган гастропатияни даволаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқ қилинган тажриба материалининг умумий тавсифи берилган, тадқиқот усуллари баён этилган.

Тажрибалар тана вазни 150–200 грамм бўлган 168 та оқ каламушда ўтказилди. Биокимёвий текширувлар 14 та ҳайвон гуруҳларида амалга оширилди: 1-гуруҳ – интакт; 2- гуруҳ – индометацинли гастропатия (ИГ)ли ҳайвонлар; 3-гуруҳ – 10 кун давомида дистилланган сув қабул қилган ИГ чақирилган ҳайвонлар (даволанмаган); 4-гуруҳ – 10 кун давомида омепразол қабул қилган ИГ чақирилган ҳайвонлар; 5-гуруҳ – 10 кун давомида рабепразол қабул қилган ИГ чақирилган ҳайвонлар; 6-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + де-нол, 10 кун давомида; 7-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + сукральфат, 10 кун; 8-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + пепсан-Р, 10 кун; 9-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + омепразол+де-нол, 10 кун; 10-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + омепразол + сукральфат, 10 кун; 11-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + омепразол + пепсан-Р, 10 кун; 12-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + рабепразол + де-нол, 10 кун; 13-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + рабепразол + сукральфат, 10 кун; 14-гуруҳ – ИГ чақирилган ҳайвонлар + рабепразол + пепсан-Р, 10 кун. Ҳар бир гуруҳдаги ҳайвонлар сони 6 тани ташкил этди.

НЯҚВ гастропатияси индометацинни 2,5 мг/кг дозада перорал юбориш йўли билан чақирилди. Препаратлар сувли суспензия кўринишида куйидаги дозировкада *per os* юборилди: омепразол 50 мг/кг, рабепразол 5 мг/кг, де-нол 10 мг/кг, сукральфат 400 мг/кг, пепсан-Р 1500 мг/кг. Тажриба тадқиқотларида эрозив-ярали жароҳатларнинг умумий майдони ўлчанди, шиллиқ парда суспензияларда эримайдиган гликопротеин фракциялари миқдори аниқланди. Мазкур тадқиқотларни ўтказиш учун ҳайвонлар эфир наркози остида декапитация йўли билан жонсизлантирилди.

Шиллиқ тўсиқ ҳолати шиллиқ парда суспензиясида ЭГП фракциялари миқдорини аниқлаш йўли билан ўрганилди. Суспензияда сиал кислота миқдори Л.И.Линевик усулида (1962) аниқланди. Шиллиқ парда суспензиясидаги фукоза П.Д.Рабинович ва ҳаммуал. (1973) усулида ўрганилди. Умумий оксил миқдори О.Н.Lowry ва ҳаммуал. усулида аниқланди ва мл суспензияга мг ҳисобида ифодаланди. Шиллиқ тўқимадаги NO шиллиқ гомогенатнинг чўкма усти фракцияларидаги нитратларда нитрит маҳсулотларини аниқлаш йўли билан ўрганилди. NO-синтаза – НАДФН диафораза ферменти маркерининг фаоллиги А.С.Комарин ва ҳаммуал. модификацияси билан (2001) V. Т. Нора усулида аниқланди. Ишда ЛПО ҳолати ЛПОнинг охириги маҳсулоти бўлмиш малон диальдегиди (МДА) миқдори ва антиоксидант тизим (АОТ) ферментлари – каталаза ва супер-оксиддисмутаза (СОД) фаоллигини аниқлаш йўли билан баҳоланди. Чўкма усти МДА миқдори Л.И.Андреева ва ҳаммуал. (1988), каталаза М.А.Королюк ва ҳаммуал. (1988) усулида аниқланди. Меъда шиллиқ пардасидаги МОТ ҳолати амидопирин-N-деметилаза ва анилин гидроксилаза фаоллигини аниқлаш йўли билан ўрганилди. Амидопирин-N-деметилаза фаоллиги ҳамда анилин гидроксилаза фаоллиги А.И.Арчаков усулида аниқланди. Натижалар нмоль/мин/мг оксил билан ифодаланди. Меъданинг шиллиқ тўқимаси

суспензиясидаги оксипролин фракцияси миқдори Т.К.Осадчук ва ҳаммуал. усулида аниқланди (1982).

Олинган тажриба материалларига стандарт Microsoft Excel дастурий пакетидан фойдаланган холда Стьюдент t-мезони ёрдамида ишлов берилди. Фарқлар $P < 0,05$ да аҳамиятли деб топилди.

Диссертациянинг «**Индометацин билан чақирилган гастропатияда айрим протон помпа ингибиторлари, цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларининг меъда шиллиқ тўсиғи ҳолатига таъсирини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида омепразол, рабепразол, цитопротекторлар – де-нол, сукральфат, пепсан-Р ва уларнинг комбинацияларини цитохимоянинг асосий омили ҳисобланмиш меъданинг шиллиқ тўсиғи ҳолатига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба тадқиқотлари маълумотлари келтирилган.

Олинган маълумотларга кўра каламушлардаги индометацин билан чақирилган гастропатияларда индометацин шиллиқ тўсиқ ва унинг таркибий қисми ЭГП синтезини сезиларли пасайтиради. Мазкур гуруҳ хайвонларида меъда шиллиқ пардаси суспензиясида сиал кислотаси ва фукозанинг деярли 3 марта, умумий оксил миқдорининг эса 1,5 мартадан ортиқ камайиши кузатилди. Омепразол қўлланилганда унинг ЭГП синтезини сусайтириши аниқланди. Мазкур гуруҳда сиал кислота, фукоза ва умумий оксилнинг даволанмаган (ИГ+ Н₂О) гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 40,6%, 39,0% ва 27,4% камайиши кузатилди. Рабепразол қўлланилганда бирмунча бошқачароқ характердаги ўзгаришлар қайд этилди.

Тадқиқот натижалари препаратнинг ЭГП синтезига рағбатлантирувчи таъсир этишини кўрсатди ва бу сиал кислотанинг 62,2%, фукозанинг 106,9% ва умумий оксил миқдорининг 35,7% ошиши билан тавсифланди. Шунга ўхшаш натижалар ИГни де-нол билан даволанганда олинди. Мазкур гуруҳда ўтказилган даволаш натижасида даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сиал кислота миқдори 87,8%, фукоза 94,9%, умумий оксил эса 40,7% га ошди (1-расм).

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, омепразол ва де-нолнинг биргаликда қўлланилишида де-нолнинг рағбатлантирувчи таъсири деярли намоён бўлмайди. Олинган натижалар фақат омепразол билан даволанган хайвонлар гуруҳи кўрсаткичларидан деярли фарқ қилмади. Омепразолнинг фармакодинамик таъсири у сукральфат билан бирга қўлланганда ҳам ўзгармади.

Сукральфат билан даволанган хайвонлар гуруҳида сиал кислота, фукоза миқдорининг бир мунча ошиши, умумий оксил миқдорининг пасайиши кузатилди, бироқ мазкур натижалар даволанмаган гуруҳ натижаларига нисбатан ишончсиз фарқ қилди. Пепсан-Р билан даволаш препаратнинг рағбатлантирувчи таъсири билан тавсифланиб, бунда сиал кислота 50,6%, фукоза 79,8% ва умумий оксил миқдори 30,5% га ошди. Шундай қилиб, ИГни даволашда шиллиқ тўсиқ синтезини омепразол пасайтиради,

рабепразол, де-нол ва пепсан-Р рағбатлантиради, сукральфат эса шиллик тўсиқ синтезига таъсир кўрсатмайди.



О – омепразол, Д – де-нол, С – сукральфат, П – пепсан-Р;

* – $P < 0,05$ монотерапия билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан

1-расм. Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразолнинг айрим цитопротекторлар билан биргаликда қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасидаги ЭГПлар фракцияси миқдорига таъсири

Монотерапия ўтказилганда олинган натижаларни ҳисобга олган ҳолда ПШИнинг цитопротекторлар билан комбинирланган даволаш усулини қўллаш самарадорлигини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотди. Омепразол ва пепсан-Рнинг комбинацияланган гуруҳида фақат омепразол билан даволанган гуруҳга нисбатан сиал кислота 58,0%, фукоза 39% ва умумий оксил миқдори 26,0% га ошди. Бунда фақат сиал кислота ва фукоза миқдоригина ишончли кўпайди, химоя тўсиғини рағбатлантириш нуқтаи-назаридан цитопротекторларнинг рабепразол билан комбинацияси энг яхши ҳисобланди.

ИГни рабепразол ва де-нол билан биргаликда даволашда фармакодинамик ўзаро таъсир синергизми кузатилди. Мазкур гуруҳда даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан сиал кислота 109,4%, фукоза 188,5%, умумий оксил миқдори 56,0% га ошди. Фақат рабепразол билан даволанганда ЭГП фракцияларининг ошиши мос ҳолда 62,2%, 106,9% ва 35,7% ни ташкил этди ($P < 0,05$). Рабепразолнинг пепсан-Р билан биргаликда қўлланилиши яхшироқ самара берди. Мазкур гуруҳда дори воситаларининг фармакодинамик синергизми де-нол билан омепразол биргаликда қўлланган гуруҳга нисбатан анча аҳамиятли бўлди. Даволанмаган гуруҳга нисбатан сиал кислота 156,7%, фукоза 229,3%, умумий оксил 62,5% га ошди. Ушбу натижалар фақат рабепразол билан монотерапия ўтказилган гуруҳ натижаларига нисбатан анча юқори бўлди (1-жадвал).

Шундай қилиб, омепразол де-нол, сукральфат ва пепсан-Р билан бирга қўлланилганда омепразолнинг шиллик тўсиқ синтезига ингибирловчи

таъсири деярли ўзгармайди. Рабепразол де-нол ва пепсан-Р билан биргаликда қўлланилганда препаратларнинг рағбатлантирувчи фармакодинамик таъсири аддитив синергизм кўринишида ошади, рабепразолнинг сукральфат билан комбинациясида эса рабепразолнинг фармакодинамик таъсири ўзгармайди.

1-жадвал

Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразол ва рабепразолнинг айрим цитопротекторлар билан биргаликда қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасидаги ЭГП фракцияси миқдorigа таъсири

| Ҳайвон гуруҳлари | Сиал кислотаси (мкг/мл) | Фукоза (мкг/мл) | Умумий оқсил (мкг/мл) |
|------------------------------|----------------------------|--------------------|--------------------------|
| ИГ + Н ₂ О | 1,48±0,10 | 2,18±0,15 | 10,12±0,79 |
| ИГ + омепразол + де-нол | 0,91±0,07* | 1,24±0,11* | 7,53±0,60* |
| ИГ + омепразол + сукральфат | 0,80±0,06* | 1,15±0,12* | 6,89±0,42* |
| ИГ + омепразол + пепсан-Р | 1,32±0,11 | 1,85±0,14 | 9,26±0,72 |
| ИГ + рабепразол + де-нол | 3,10±0,18* | 6,29±0,26* | 15,80±0,55* |
| ИГ + рабепразол + сукральфат | 2,54±0,18* | 4,37±0,23* | 14,12±0,85* |
| ИГ + рабепразол + пепсан-Р | 3,80±0,29* | 7,18±0,58* | 16,45±0,96* |

Изоҳ: * P<0,05 даволанмаган гуруҳ кўрсаткичига нисбатан

Диссертациянинг «**Индометацин билан чақирилган гастропатияда айрим протон помпа ингибиторлари, цитопротекторлар ва уларнинг комбинациясининг меъда шиллик тўқимасида азот оксиди синтези кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида индометацин билан чақирилган гастропатияда ППИ ва цитопротекторларнинг меъда шиллик тўқимасидаги азот оксиди синтези кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича олинган малумотлар натижалари тақдим этилган. Азот оксидини гастродуоденал соҳа шиллик пардасини ҳимояловчи энг муҳим омиллар қаторига киритиш лозим. Унинг самараси шиллик парданинг қон билан таъминланишига таъсир этиши билан ифодаланади, бунда NO синтаза блокадаси шиллик парда томирларида қон оқишини кескин камайтиради. Қайд этиб ўтиш лозимки, индометациннинг гастродуоденал соҳа шиллик пардасига жароҳатловчи таъсир механизмларидан бири препаратнинг НАДФ-Н диафораза фаоллигига салбий таъсири билан тушунтирилади. ИГ гуруҳларида NO маҳсулотлари миқдорининг 2 мартадан ортиқ ва НАДФ-Н диафораза (NO синтаза) фаоллигининг деярли 2,5 марта пасайганлиги кузатилди. Даволанмаган гуруҳда (Н₂О) мазкур ўзгаришлар сақланиб қолди. Омепразол билан даволанган ҳайвонлар гуруҳида препаратнинг NO-ҳосил бўлиши жараёнларига ингибирловчи таъсири қайд этилиб, бу даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан NO маҳсулотларининг 36,5%, фермент фаоллигининг 41,7% пасайиши билан намоён бўлди.

Каламушларни рабепразол, де-нол ва пепсан-Р билан даволаш дори воситаларининг рағбатлантирувчи таъсири билан тавсифланди. Рабепразол қўлланилганда NO маҳсулотлари миқдори 37,9%, фермент фаоллиги эса 49,1% га ошди. Де-нол ва пепсан-Р қўлланилганда ўхшаш натижалар олинди (2-жадвал).

Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразол ва рабепразолнинг айрим цитопротекторлар билан бирга қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасида NO синтези кўрсаткичларига таъсири

| Ҳайвон гуруҳлари | NO маҳсулотлари (мкмоль/мг оқсил) | P | НАДФ-Н диафораза (нмоль/мин /мг оқсил) | P |
|------------------------------|-----------------------------------|--------|--|--------|
| ИГ + H ₂ O | 6,49±0,48 | | 8,31±0,61 | |
| ИГ + омепразол + де-нол | 5,20±0,47 | >0,05 | 6,42±0,65 | <0,05 |
| ИГ + омепразол + сукральфат | 3,90±0,32 | <0,001 | 5,11±0,47 | <0,001 |
| ИГ + омепразол + пепсан-Р | 6,56±0,55 | >0,05 | 9,62±0,75 | >0,05 |
| ИГ + рабепразол + де-нол | 11,72±0,99 | <0,001 | 16,49±0,98 | <0,001 |
| ИГ + рабепразол + сукральфат | 9,12±0,68 | <0,01 | 11,97±1,10 | <0,01 |
| ИГ + рабепразол + пепсан-Р | 13,82±1,17 | <0,001 | 19,24±0,96 | <0,001 |

Изоҳ: P – даволанмаган гуруҳ кўрсаткичига нисбатан ишончлилик


Сукральфат билан даволанган ҳайвонларда олинган натижалар даволанмаган гуруҳ натижаларидан ишончсиз фарқ қилди ($P < 0,05$). Шундай қилиб, омепразолнинг ИГда шиллик тўқимасида синтезига сусайтирувчи таъсир механизмларидан бири унинг NO-ҳосил бўлиш жараёнларига ингибирловчи таъсири ҳисобланади. Сукральфат мазкур механизмларга таъсир этмайди. Рабепразол, де-нол ва пепсан-Р ИГда меъда шиллик тўқимасида NO синтезини бир хилда рағбатлантиради.

Омепразолнинг де-нол билан бирга қўлланилиши даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан NO маҳсулотлари ва НАДФ-Н диафораза фаоллиги кўрсаткичларининг мос равишда 19,9% ва 22,8% ишончли пасайиши билан тавсифланди. Мазкур кўрсаткичлар омепразол ва сукральфат қўлланилган гуруҳда ҳам ишончли паст бўлди. Ушбу гуруҳларда олинган натижалар фақатгина омепразол билан даволанган гуруҳ натижаларидан фарқ қилмади. Омепразолнинг пепсан-Р билан биргаликда қўлланилиши янада самаралироқ бўлди. Мазкур гуруҳда фақат омепразол билан даволанган гуруҳга нисбатан NO миқдори 59,2%, НАДФ-Н диафораза фаоллиги эса 98,3% га ошди.

Фармакодинамик таъсирнинг потенцирланиши рабепразолнинг де-нол ва пепсан-Р билан комбинацияларида кузатилди. Рабепразолнинг де-нол билан комбинацияланган гуруҳида даволанмаган гуруҳга нисбатан NO маҳсулотлари миқдори 80,5%, фермент фаоллиги эса 98,4% га кўтарилди. Ушбу кўрсаткичлар рабепразол билан ўтказилган монотерапияли гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 30,9% ва 33,1% юқори бўлди (2-расм).

Рабепразол пепсан-Р билан биргаликда қўлланганда унинг фармакодинамик таъсир янада кучлироқ ошганлиги кузатилди. Мазкур гуруҳда биз ўрганаётган кўрсаткичлар фақатгина рабепразол қўлланилган гуруҳ натижаларига нисбатан 54,4% ва 55,3% юқори бўлди. Сукральфат

билан бирга қўлланганда рабепразолнинг фармакодинамик таъсири ўзгармади.



* – монотерапия гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар аҳамиятли (* - $P < 0,05$)

2-расм. Индометацин билан чақирилган гастропатияда рабепразолнинг цитопротекторлар билан бирга қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасида NO-ҳосил бўлиш кўрсаткичларига таъсири

Шундай қилиб омепразол де-нол ва сукральфат билан, рабепразол сукральфат билан бирга қўлланганда омепразол ва рабепразолнинг NO-ҳосил бўлиш тизимига фармакодинамик таъсири ўзгармайди. Меъданинг шиллик тўқимасида NO-ҳосил бўлишини рағбатлантириш учун рабепразолнинг пепсан-Р билан ва рабепразолнинг де-нол билан бирга қўлланилиши янада самаралироқ бўлиб, шу билан бирга омепразолнинг пепсан-Р билан бирга қўлланилиши камроқ самарага эга.

Диссертациянинг «**Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразол, рабепрозол, де-нол, сукральфат, Р-пепсан ва уларнинг комбинацияларининг меъда шиллик тўқимасидаги липидлар пероксидацияси жараёнларига таъсири самарасини қиёсий баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида ППИ, цитопротекторлар ва уларнинг комбинацияларини қўллаш билан даволаш фониди НЯҚВ гастропатияларида ЛПО жараёнларини ўрганиш натижалари баён этилган. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, ИГда ЛПО сезиларли кучаяди, ЛПО нинг охириги махсулоти – малонли диальдегиди (МДА) миқдори уч марта ошади. Бунда интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан каталаза ферментининг фаоллиги 2,3 мартадан зиёд, СОД фаоллиги эса 2,5 мартадан кўпроқ пасайди.

Омепразол билан даволашда препаратнинг прооксидант фармакодинамик таъсирини қайд этдик. Меъданинг шиллик пардасида даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан МДА миқдори 30,0%, каталаза фаоллиги 19,0% га ошди ($P > 0,05$), СОД эса 15,3% га пасайди ($P < 0,05$). Биз ўрганган бошқа дори воситалари антиоксидант таъсир

кўрсатди. Рабепразол қўлланган гуруҳда МДА 24,5%, каталаза ва СОД фаоллиги мос равишда 33,4% ва 51,0% га ошди.

Де-нол кучлироқ таъсирга эга бўлди, мазкур гуруҳда МДА 38,3% га пасайди, каталаза фаоллиги 52,7%, СОД 75,9% га ошди. Олинган натижалар сукральфат қўлланган гуруҳда рабепразол билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига ўхшаш бўлди. Пепсан-Р билан даволаганда янада кучлироқ антиоксидант таъсир қайд этилди. Мазкур гуруҳда даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан МДА миқдори 50,0% га пасайди, каталаза ва СОД фаоллиги эса мос равишда 90,3% ва 122,3% га ошди.

Шундай қилиб омепразол индометацинли гастропатияда меъданинг шиллик тўқимасида липидларнинг пероксидацияси жараёнларига прооксидант таъсир кўрсатади. Рабепразол, де-нол, сукральфат ва пепсан-Р антиоксидант таъсирга эга. Бунда рабепразол ва сукральфат бир хил таъсир кўрсатиб, де-нол ва пепсан-Рдан кучсизроқдир. Антиоксидант таъсири бўйича пепсан-Р де-нолдан устунлик қилади.

Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразол ва рабепразолнинг цитопротекторлар билан бирга қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасида липидлар пероксидацияси кўрсаткичларига таъсири 3-жадвалда келтирилган. Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, омепразол де-нол ва сукральфат билан биргаликда қўлланганда уларнинг антиоксидант таъсири намоён бўлмайди, омепразолнинг прооксидант таъсири эса сақланади. Мазкур гуруҳларда олинган натижалар омепразол билан монотерапия ўтказилган гуруҳ натижаларидан деярли фарқ қилмади.

Омепразол пепсан-Р билан биргаликда қўлланганда пепсан-Рнинг антиоксидант таъсири устунлик қилиши кузатилди. Мазкур гуруҳда МДА миқдори даволанмаган гуруҳ ва фақат омепразол билан даволанган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан ишончли паст бўлди. Шунингдек, каталаза ва СОД фаоллигининг ишончли ошиши кузатилди.

3-жадвал

Индометацин билан чақирилган гастропатияда омепразол ва рабепразолнинг цитопротекторлар билан бирга қўлланилишининг меъда шиллик тўқимасида липидлар пероксидацияси кўрсаткичларига таъсири

| Ҳайвон гуруҳлари | МДА (мг оқсилга нмоль) | Каталаза (мкат/мин/мг оқсил) | СОД (ШБ/мин/мг оқсил) |
|------------------------------|------------------------------|------------------------------------|-----------------------------|
| ИГ + Н ₂ О | 10,19±0,69 | 29,81±0,77 | 85,64±3,36 |
| ИГ + омепрозол + де-нол | 12,41±1,15 | 30,16±2,95 | 69,30±4,26** |
| ИГ + омепразол + сукральфат | 13,89±1,38* | 29,35±3,15 | 74,54±5,47 |
| ИГ + омепразол + пепсан-Р | 7,36±0,77** | 40,28±3,86** | 136,18±6,97*** |
| ИГ + рабепразол + де-нол | 4,53±0,54*** | 61,12±4,35*** | 197,20±13,31*** |
| ИГ + рабепразол + сукральфат | 6,95±0,62** | 45,18±3,53*** | 124,75±8,51*** |
| ИГ + рабепразол + пепсан-Р | 2,99±0,26*** | 70,73±5,39*** | 232,57±13,41*** |

Изоҳ: * - P<0,05 даволанмаган гуруҳ кўрсаткичига нисбатан

Рабепразолнинг де-нол билан комбинациясида даволанмаган гуруҳ кўрсаткичига нисбатан МДА миқдори 55,4% га камайди, каталаза ва СОД фаоллиги эса мос равишда 105,0% ва 130,3% га ошди, рабепразол билан ўтказилган монотерапияда эса мазкур ўзгаришлар мос равишда 24,5% ва 33,4%, 51,0%ни ташкил этди. Фармакодинамик таъсир синергизми рабепразолнинг сукральфат билан комбинациясида ҳам кузатилди, бироқ мазкур таъсир рабепразолнинг де-нол ва пепсан-Р билан комбинациясидаги натижага нисбатан кучсизроқ бўлди. Рабепразол пепсан-Р билан биргаликда қўлланганда энг яхши натижаларга эришилди. Олинган натижалар рабепразолнинг де-нол билан комбинацияланган гуруҳидаги кўрсаткичлардан устунлик қилди. Мазкур гуруҳда даволанмаган гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан МДА миқдори 70,7% га камайди, каталаза фаоллиги 137,3%, СОД эса 171,5% га ошди.

